



2

Ҳуқуқий маърифат йўли

Уйдан чиққан қиз чигириқдан ташқаридами?



4



5


Интилувчан ва изланувчан ёшлар маскани

Кўзингдан айланай, болажон!



8

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Уйда бахти борлар...

Уларни кўрганлар ҳайрат ила «Худди узукка кўз кўйгандек мос экан», деб ҳавас билан қараб қолади. Бу бежиз эмас. Хуршидбек эндигина олий ҳарбий билим юртини тамомлаб, ёш офицер сифатида хизматни бошлаган, Дилафрўзхон эса Андижон давлат чет тиллар институтининг 1-курсида таҳсил олаётганди. Аввало, ўрталарида пайдо бўлган самимий муҳаббат, қолаверса, ота-оналарининг розиризолиги уларни бирлаштирди, десак муболаға бўлмайди. Олти йилки, аҳил ва тотув яшаб келаётган бу оилада айна пайтда бир-бирдан ширин фарзандлар — Нигинахон ва Жамшидбек ўсиб-улғаймоқда.

3

“ОБУНА — 2011”

Индекс:

Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган мухтарам муштарийлар! Унутманг, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверди.

Ушбу сонда:

Элдошлари кўнглига	
йўл тошган Энажон	2
«Энага» — «кичик она»ми?	3
Бадиий мутолаа	6
«Долларчи» опа-укалар қўлга тушди	4
Етимнинг етовига юриб	
куйиб қолган қиз	7
Куёвга машина, мол-ҳол олиб бериш	
қайси қоида тўғри келади?	7
Алла эшитмаган боладан	
яхшилик чиқадими?	8
Мексикада юксак эътирофга сазовор	
бўлган ўсмирлар	8

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг қутлуг йигирма йиллигини янги ҳаёт, янги жамяят барпо этишда бекиёс муваффақиятлар билан кутиб олаётир. Тарихан қисқа даврда барқарор ривожланиб бораётган иқтисодийёта асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликка амалда олий қадрият даражасига қўтарилган, жаҳон миқёсида ўзига хос обрў-эътибор қозонган жамяят барпо этиш борасида эришган ютуқларимиз дунё ҳамжамяяти эътиборини тортиб тургани ҳам бежиз эмас.

Ҳуқуқий маърифат йўли

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, биз ўз олдимиизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисмини босиб ўтдик, холос.

Ҳақиқатан ҳам, узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, мамлакатимиз иқтисодийётини янада барқарор суръатлар билан ўсишига эришиш, ҳаётимиз сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамятидаги обрў-эътиборимизни мустаҳкамлаш йўлида олдимиизда катта вазифалар турибди. Мазкур концепцияда демократик янгиланишлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари аниқ-равшан кўрсатилиб, уларни изчиллик билан амалга ошириш йўл-йўриклари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янги босқичидаги устувор вазифалар, стратегик мақсадларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳар бир юрtdошимизнинг фаол иштирокини, ҳуқуқ ва бурчини чуқур англаб, жамятимиз тасмийилларига қатъий риоя қилиб яшашини тақозо этади. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида алоҳида тўхталиб, «Жамятининг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамяят пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир», деб уқтирганлари бежиз эмас, албатта. Чунки ҳуқуқий онги ва маданияти юксак инсон жамяят қонун-қоидаларига амал қилиб, умумоқсалишга, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишдек олижаноб эзгу фазилатлар билан яшаб, бахту саодатга эришади. Шу жиҳатдан олганда, жамятимиз ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлиши, айниқса, муҳимдир. Концепцияда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, «Мамлакатимизда

либ, бир умр афсус-надоматда ҳаёт кечиради. Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтилганда, мабодо соғлиғида бирор-бир нуқсон аниқланса, тўйгача даволашни мумкин. Тиббий кўрик оила мустаҳкамлиги, ёшларнинг бахтли келажакини қафолатловчи муҳим шартдир.

Орзу-ҳавас деб ўғлини эрта уйлаётган, қизини барвақт турмушга бераётган ота-оналар ҳам, афсуски, орамизда учраб турибди. Эрта турмуш қурганларнинг аксарияти нимжон, ногирон фарзанд кўрса, баъзилари ўз саломатлигини йўқотаётгани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳатто ўн олти ёшга етиб-етмаган қизини эрга бераётганлар ҳам, минг афсуски, орамизда топилади. Ваҳоланки, Оила кодексининг 13-моддасида «Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас», деб аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Шунингдек, «Никоҳдан ўтаётган бўлажак эр-хотин ўз розилигини ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади», дея кўрсатиб ўтилган. Бу эса барчамизга тегишли мажбуриятларни юқлайди.

Маълумки, мамлакатимизда ўн икки йиллик узлуксиз таълим ҳуқуқий этилган. Воёга етган йигит-қизлар касб-хунар коллежи ёки академик лицейни битиргач, турмуш куриши, никоҳдан ўтиши мумкин. Афсуски, туманимиздаги айрим касб-хунар коллежларининг 2-3-босқичида ўқиётган қизларни эрта турмушга бериш ҳолатлари ҳам рўй учраётир. Ўз фарзандларининг эртасини ўтаётган, илм олиш ҳуқуқидан маҳрум этаётган бундай ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари қайси қонун-қоидаларга тўғри келади? Улар бугун бўлмаса, эрта барибир ўзларининг бундай ноҳўя ишлари учун афсус-надомат чекишлари турган гап. Ҳа, ҳар бир ота-она ўз фарзанди олдидаги бурчи ва мажбуриятини чуқур англаб етиши ва уни виждонан ҳалол адо этиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириб бориш мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичидаги улугвор эзгу мақсадларини изчиллик билан рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Барноҳон МЎМИНОВА,
Фарғона вилояти Қўштепа тумани
ФХДЁ бўлими мудири.

ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур» деган тақлиф илгари сурилди. Бу эса мамлакатимизни демократик янгиланишнинг ҳозирги босқичида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўз фаолиятимиз мисолида тўхталадиган бўлсак, Оила кодексининг 17-моддасига биноан, никоҳланувчи шахслар тўйдан аввал тиббий кўриқдан ўтишлари лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»-ги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига мувофиқ, тиббий кўрик бепул амалга оширилади. Бироқ айрим шахслар қонуний никоҳдан ўтиш ҳозирча шарт эмас, деб шаръий никоҳ ўқитиш билан кифояланётганига ҳам гувоҳимиз. Бу ҳолда агар келин-куёвдан бири касал бўлса, оила барбод бўлади ёки бола ногирон туғи-

йўл-йўлақай гаплашиб кетяпмиз-у, у киши эса учраган ҳар бир одам билан турли хил мавзуларда сўхбатлашишга ҳам улгурарди. Кўнанинг икки тарафидаги оилалардан ким чет элга кетгани ва келгани, ким тўй қилмоқчи-ю, ким қачон келин олди, томорқаларига эккан экинлари-ю, мевали дарахтларни номма-ном таништира бошлади. Кўча ўртасидаги гужум ва толлари ажойиб манзара касб этиб турган мўъжазгина уй диққатини тортди.

Энажон опа ҳам сездди, шекилли, изох берди: «Раъно опанинг хонадони. Бу аёл кўп йиллар ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан, шунда ҳам ҳеч тиниб-тинчимайди, жуда меҳнаткаш. Турмуш ўртоғи Худойназар ака ҳам ўқитувчилик қилган, элнинг қорига яраган инсон эди раҳматли. Ҳозир Раъно опа фермер. Беш ўғли бор. Тўрт келин олди. Ҳалол меҳнати билан икки ўғлига иморат қуриб, уйли-жойли қилди».

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Энажон опа ўрзобоева маҳалла аҳлининг яқин сирдоши, сабр-тоқатли сўхбатдоши ва тўғри йўл кўрсатувчи маслаҳатгўйи экан. Маҳалладаги ҳар бир оилани ўз қизим, ўз уйим, ўғлим, болам, деб юрагига йўл топаётган, воёга етмаган ўсмир йигит ва қизларнинг кўнгил қалитини топа олган элдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонган бу маслаҳатчи опа ҳақида бошқа изохга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Насиба МАШАРИПОВА,
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг
Янгибозор туман бўлими
бош мутахассиси.

Элдошлар севган аёл

Яқинда йўлм тушиб, туманимиздаги Оёқдўрман қишлоғига бордим. Мақсад Тозадўрман маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг фаолияти билан танишиш эди. Йўл четида автобус кутиб турган аёлнинг ёнига бориб, саломлик қилгач, секин Тозадўрманлик Энажон опани танийсизми, у киши нима иш қилади?» деб сўрадим. Ҳалиги аёл сал ажабланиб менга қаради-да:

— Вой, Энажон опани танимайсизми, уни бутун эл билади-ку! Қишлоқ фуқаролар йигинидаги Ражабика, Саломат опалар билан бирга маслаҳатчилик қилади. Ҳаммага савоб улашиб юради. Ҳеч тиниб-тинчимайди. Бир қарасанг, келиннинг соғлигини сўраган, бир қарасанг, қизингиз коллежга бориб юрибдими, дейди, кўчадаям қўриб қолса, томорканга нима экдинг, неча туп, деб эринмай сўраб-суриштиради... Ҳей, айтиб адо этмайсан. Биз ҳам унга оиламиз аъзосидек ўрганиб қолганмиз. Уч кундан ўтса, кўни-кўшнлар бир-бириздан «Энажон опанг келмадими?» деб сўраб бошлаймиз, — деб кулиб-кулиб гапириб қолди.

Шу кунни Энажон билан қўришиб, қишлоқни айландик. Велосипедни елдек учуриб келаётган йигит ёнимизда тўхтаб, салом берди ва: «Опажон, айтганингиздек қилдим. Ипак курти бокаётган ўша

уйга бориб эрталабки япроғини ўришиб келаяпман. Энди ўқишга боришим керак», деди, ҳамроҳим кувониб кетди: «Раҳмат, болам, энди гап бундай, шу оилага то пиллани топширгунинча вақт топиб қарашиб тур, анов келиннинг ёш

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

боласи бор экан...»
Иккимиз яна йигирма қадамча юрган ҳам эдикки, орқамиздан ёши улуг бир онахон қақриб қолди:

— Ҳов, Энажон, бормисан, тонг билан туриб йўлнинг пойлаб турибман, раҳмат атай деб. Умрингдан барака топ, қизим, келиннинг опасини сал эпақага келтирибсан, шон кечда олиб келиб турибди-да. «Ўзи кетар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр», деб мен ҳам индамадим.

— Вой онажоним-ей, айланай сиздан. Энди-чи, сиз ҳам сал камтарроқ бўлинг. Ёшларнинг гап-сўзларига эътибор берманг, қон босимингизни кўтариб ўтирманг. Айтадилар-ку, «Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмоннинг қуриши», деб. Сиздан бурун ярашиб кетади улар. Қай-танга ёмон кўринганингиз қолади. Келиннинг олтин қиз. Қизим-қизим деб айланиб-ўргилсангиз бўлди, йўқни йўндирди.

— Шунга айт-да, қизим. Қаригандан сўнг эзма бўп қолар экансан, — деб қулди-да дуога қўл очди...

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Илмий-амалий конференция

1 июль куни «Shodlik Palace» меҳмонхонасида «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Хоразм вилоятидан келган матбуот журналистлари, шунингдек, марказий босма нашрлар ва ахборот агентликлар ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда инсон кадр-қимматини юқсалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш бўйича қатор ислохотлар олиб борилаётгани, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб берилаётгани ва ҳуқуқий маданиятни юқсалтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

— Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юқсалтириш, инсон ҳуқуқларига қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатилда энг самарали, қулай ва маҳбур восита ОАВ хисобланади, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори ўринбосари Акбар Жонузоқов. — Бу борада ОАВ ходимларининг ҳиссаси бекиёс эканига эътибор қаратиб, масъулиятни янада ошириш лозимлигини қайд этишимиз жоиз.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
«Оила ва жамяят» муҳбири.

Бекободда байрам тадбирлари

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида жойларда байрамона учрашувлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида Ўзбекистон металлургия комбинати касабга кўмитаси томонидан Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Шеърхонлик кечасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар иштирок этишди. Учрашув чоғи эл танган шоирлар қаламига мансуб янги шеърлар билан бирга, ёш йигит-қизларнинг машқлари ҳам тингланди.

Шу кунни металлургия комбинатининг мактабгача таълим муассасалари



да «Болалар ҳаёти сизнинг қўлингизда» тадбири ҳам ўтказилди. Кечада болаларнинг ўзлари ўрганган қоидаларни эртақ, шеър ва куй-қўшиқлар орқали намойиш этишди. Мусобақа тарзида ўтказилган тадбир сўнггида иштирокчиларга совғалар топширилди.

Турдикул НОРМАТОВ

Уйида бахти борлар...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳақдагина фойдаланишга топширилган ҳарбий шахарчада яшайётган оилалар орасида энг намунали деб тан олинган бу хонадон соҳиби Хуршидбек Бобоҳўжаев малакали ҳарбий хизматчилардан бири. Унинг рафиқаси Дилафрўзон эса мактабда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ беради.

— Ҳар бир аёл учун ўз оиласи, фарзандлари қадри ва азиздир, — дейди оила бекаси. — Шахсан мен оиладаги муҳитнинг барқарорлиги ва тотувлигини таъминлайдиган, мустаҳкамлайдиган ришта кўпроқ аёлларга боғлиқ, деб ўйлайман. Ҳеч эсимдан чиқмайди: эндигина турмуш курган пайтимида онам «Қизим, энди сен ҳам бир оиланинг бекаси бўлдинг. Шунинг унутмагинки, турмуш ҳеч қачон бир маромда кечмайди. Унинг ўзига хос мураккаб ва кутилмаган қийинчиликлари ҳам бўлади. Ўз оиласининг келажagini ўйлайдиган аёл ҳар қандай мураккаб вазиятларни сабрқаноат, тadbиркорлик билан енга олади. Сен ҳам сабри бўл, доим ақл билан иш юритгин», деб қаттиқ насиҳат қилган эди. Ҳозиргача ана шу пурмаъно ўғитларни эслайман. Фарзандларим тарбиясида ҳам қайнонамнинг, онажонининг йўл-йўриқларига суяниб кам бўлмайман. Уларнинг ибратли ҳаёт йўллари биз учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтапти, десам янглишмайман.

Дарҳақиқат, яхши оила қуриш, баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш ҳар биримизнинг азалий орзумиз. Бу борада кексаларнинг ҳаётий тажрибасига суяниш ҳар доим

бахт-саодат манзили сари йўл очади. Гувоҳи бўлганингиздек, Дилафрўзон ҳам меҳрибон ота-онаси, оқибатли қайнота-қайнонасининг панду насиҳатларига қулоқ тутиб, кўпчилик ҳавас қилса арзигулик ажойиб оиланинг муносиб бекаси бўлди.

Шу ўринда Хуршидбек вояга етган хонадон ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Эътиборли жиҳати, Хуршидбек ҳарбий оила фарзанди. Унинг болалиги, ёшлиги ҳам ҳарбийча шарт-шароитларда кечган. Қахрамонимиз ўша кунларни доим қувониб эслайди. Унинг олий ҳарбий билим юртида курсантликнинг бир қадар мураккаблиқларига тенгдошларига нисбатан осон киришиб кетгани сабаби ҳам балки шундадир. Чунки у кичкиналигидаёқ армия муҳитида яшади, чин дилдан меҳр кўйди.

— Отам кўп йиллар Куролли кучлар тизимида хизмат қилганлар. Ҳозир эса истеъфода, — дейди Хуршидбек. — Бугун акам иккимиз у кишининг изларидан бориб, ҳарбийлик касбини танладик. Бундан ҳамшиша фахрланамиз. Тўғри, отам бироз қаттиққўл, талабчан ва вақти келганда, у кишидан меҳрибон инсон йўқ деб ўйлайсиз бу дунёда. Онажонимнинг нигоҳларида эса доим битмас-туганмас меҳр-муҳаббат тафтини сезаман. Энди бир ҳақиқатни тан олишим керакки, уларнинг бизларга берган тўғри тарбияси тўғрисида ҳаётда ўзимизнинг муносиб ўрнини топишда қийналмадик. Оллоҳдан қуну тун бахтимизга уларнинг соғу омон бўлишларини ва, ўз навбатида,

шунча йиллик заҳматли меҳнатларининг роҳатини кўриб юришларини сўрайман.

Хуршидбек Бобоҳўжаев ҳарбийлик касбининг шарафли томонларини ўз хизмат фаолияти мисолида кўрсата олган офицерлардан бири. Бугун унинг фахрланса арзийдиган оиласи, сеvimли касби, ахил жамоаси бор. У ҳарбий соҳада қандай муваффақиятга эришган бўлса, бунда ибратли оиласининг ҳам баҳоли қудрат улуши борлигини таъкидлайди.

— Мени ҳамда севган касбинини эъозлайдиган, хурмат қиладиган турмуш ўртоғим, шириндан-ширин фарзандларим — булар менинг бахтим, иқболим, — дейди Хуршидбек мамнуният билан. — Хизмат вазифамиз қай даражада масъулиятли бўлса, шахсан Президентимиз, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик ҳам шундай даражада улғундир. Яшашимиз, ишлашимиз учун барча шароитлар муҳайё этилган. Шунингдек, ҳамма қулайликларга эга уйда яшаймиз. Бу ҳам оила билан тинч, фаровон турмуш кечирishiимизда ўзига хос ўрин тутади.

— Бир-биримизга ҳар доим елкадош, кўмақдошимиз, — дейди Дилафрўзон қувониб. — Биз ҳаётимиздан мамнунмиз. Иккалаимиз Ватан хизматидаимиз, қобил фарзандларимиз, меҳрибон ота-оналаримиз, ёру дўстларимиз, сафдошларимиз бор. Энг муҳими, юртимиз тинч. Бу ҳам бизнинг энг катта бахтимиз. Гулнора ҲОЖИМУРОВА, лейтенант.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Барқарорлик кафолати

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига барқарор фаолият юритилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармон иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, экспортбоп маҳсулотлар чиқарадиган замонавий технологияларни жорий этишни кўзда тутади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш, асосан, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 26 январда имзоланган "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор асосида Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан қўллаб-қўллаш субъектларига имтиёзлар қўлланилди. Шу тўғрисида уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари сезиларли равишда ошди. Жумладан, туманда ушбу қарорга биноан 5 та тadbиркорлик субъекти, жумладан, "SUNTEROS", "Burgut Plus" ва "Muxiddinov F.P." корхоналари гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш фаолияти билан шугулланмоқда. Корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва янги технологияларни жорий этиш мақсадида ҳамда янги маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу эса фуқароларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Урол РАҲМОНОВ,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ДСИ шўъба бошлиғи.

Болалар ҳуқуқлари ёшлар нигоҳида

Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ва ЮНИСЕФ ҳамкорлида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ва Болалар ҳуқуқлари конвенцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишлаб, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида «Болалар ҳуқуқлари ёшлар нигоҳида» танловини эълон қилади.

Танлов шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Мустақиллик сизга нима берди? Болалар ҳуқуқлари конвенцияси, Конституция-миз, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳақида нималарни биласиз ва қайси қонунлар сиз учун энг муҳими? Шулар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни хикоя, реферат шаклида дафтар варағида 2 бет ҳажмида ёзиб жўнатиң.
- 2) Сиз ўқиган қайси халқ (ўзбек, рус, хоризжий) эртакларида қаҳрамонларнинг ҳуқуқлари поймол қилинганнинг гувоҳи бўлгансиз? Севимли қаҳрамонларингизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида ёзиб юборинг.
- 3) Ўз ҳаётингиздан олинган 20 та ёқимли сўзни ёзиб, улар ёрдамида ҳаётий ёки тўқима мисоллар келтириб, ҳикояча тузинг. Масалан, «Жамият келажagini қандай тасаввур қиламан?» мавзусида.

Танловнинг якуний босқичи ва тақдирлаш маросими 14–20 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун телефонлар:

(8371)267-67-84, 267-40-15

Тарбия тилдан бошланади

Тил — маданият ойнаси. Унда нафақат инсонни ўраб турган борлиқ, балки унинг турмуш тарзи, менталитети, миллий характери, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқ ва қадриятлари, дунёни ҳис этиши ва қабул қилиши яққол акс этади.

Инглиз олими Оливер Уендел Холмснинг фикрича, ҳар бир тил муайян халқнинг руҳини эҳтиёткорона асраб-авайловчи муқаддас ибодатхонадир. Тилни бой миллий маданий меросни асраш ва авлоддан-авлодга узатиш орқали кичик этносни буюк миллатга айлантирувчи кучли ижтимоий қурол, десак асло хато бўлмайди. Шу боис ҳар бир шахс тил ва маданият, маданиятлараро мулоқот мусаларига

МУЛОҲАЗА

ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим.

Инсон вояга етиш асосида ўз халқига хос урф-одатлар асосида тарбияланади. Бунда ҳам она тилининг роли беҳисоб. Фарзанд тарбиясида, энг аввало, унинг тили она тилида чиқишига эътибор қаратилиши катта аҳамиятга эга. Бола ён-атрофидаги нарсаларни қайси тилда атай бошласа, унинг онгида ўша халққа хос маданий қадриятлар шаклланиб бориши мутахассислар томонидан исботланган. Шу маънода бугунги глобаллашув жараёни, маданиятлар орасида тўқнашувлар, уйғунлашувлар кизгин кечаётган бир даврда фарзандларимиз халқимизнинг минг йиллик бисотини бағрида сақлаб келаятган она тилимизда бийрон сўзлаши, умуминсоний қадриятларга ҳамохан миллий менталитетимиз асосида тарбияланиши жуда муҳимдир.

Нилуфар ШАВКАТОВА

«ЎЗСТАНДАРТ» агентлиги ҚАШҚАДАРЁ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ давлат корхонаси жамоаси

бунёдкор халқимиз учун Ватанимиз мустақиллигининг кутлуг 20 йиллиги байрами арафасида қуйидаги хизматларни амалга оширади:

- синов ва сертификатлаш соҳаси бўйича Маҳсулотларни сертификатлаштириш; чет эл сертификатларини тан олиш;
- маҳсулотларнинг ташқи иқтисодий фаолият кодини аниқлаш;
- маҳсулот миқдорини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш;
- маҳсулотларнинг маркировка маълумотларини тасдиқлаш;
- маҳсулот синовларини амалга ошириш.

Марказ аккредитланган сертификатлаштириш идоралари томонидан қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, парфюмерия, косметика, уй-рўзгор буюмлари, енгил саннат, қурилиш, санитария техникаси, электроника ва машинасозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришмоқда.

Бундан ташқари, тadbиркорларга қулайлик яратиш мақсадида агентлик ва сервис хизматлари кўрсатилади. Марказ томонидан расмийлаштирилган муво-



филик сертификатлари МДХ мамлакатларида тан олинади.

Марказда 30 нафар малакали мутахассислар фаолият кўрсатиб келаётир. Аккредитланган синов лабораторияларида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, парфюмерия, косметика, уй-рўзгор буюмлари, енгил саннат, электротехника ва машинасозлик маҳсулотлари устидан синов иш-

лари ҳам олиб борилади. Шунингдек, марказда тadbиркорларга қулайлик яратиш мақсадида «Меъёрий ҳужжатларнинг электрон кутубхонаси» ташкил этилган бўлиб, миқдорлар учун бепул фойдаланиш хизмати ҳам йўлга қўйилган.

Марказда 2 та синов ва 1 та метрология лабораторияси, 4 та сертификатлаштириш идораси бўлиб, малакали ходимлар фаолият кўрсатади. «Физик қимё» синов лаборатория мажмуаси, «Қувват» синов лабораторияси ва «Учлаш воситаларни қиёслаш» лабораториялари ISO МЭК 17025 талаблари асосида аккредитациядан ўтказилган.

Марказ томонидан вилоятдаги корхона ва ташкилотларда метрологик таъминот хизматлари ва маҳсулотларни сертификатлаштириш ишларини амалга оширилмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар. (т)

Никоҳ — икки ёшнинг висоли, яхши ният ила янги оиланинг ташкил топиши демасди. Бирок бу ҳали мустаҳкам оила барпо этилди, дегани эмас. Аксинча, сабру матонатнинг, ақлу заковатинг минг бир карра синаладиган, шу остога келгунча олган таълим-тарбиянг, ақлу фаросатинг чиғирикдан ўтказилиб, сўнгра тан бериладиган ҳақиқий имтиҳон палласи ана энди бошланади. Ундан ўтгачина, «Бу оила меники!», деб бемалол кўкрагингни керавер.

Бугунги суҳбатдошларимиз никоҳдан сўнг йигит-қизларнинг ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар, улар курган оиланинг мустаҳкам бўлиши учун қандай йўл тутиш лозимлиги, оила аъзоларининг бу борадаги хиссаси хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар.

Кушнинг уясини бузиш ҳам гуноҳ

Меҳри Аликулова,
ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси (Шахрисабз):

— Ҳеч эътибор берганмисиз, қалдирғочлар ҳамма уйга ҳам ташир буюравермайди. Аввал жуфт бўлиб ҳовли-уйни обдон айланади-да, маъкул келсагина ин қуриш учун шифтдан муносиб жой излайди. Демак, келин бўлишнинг ота-онаси ҳам йиллар давомида ёмиғу дўлдан авайлаб бағрида ўстирган гуллини, гард асраган дилбандини шунча норғул йигитлар турганда бизнинг ўғлимизга раво кўрибдими, бундан қувонишимиз лозим. Бизни ўзгалардан азиз билганлари учун уларни ва қизларини ҳам муқаррам этиб эъвозласак, энг тўғри йўлни тутган бўламиз.

Яна бир гап, қалдирғочлар пештоққа ин курди, дегани бу тинчлик элчилари энди шу ерда яшайди, болалайди, ҳар тонг вижир-вижир салавотлар айтиб, бизни уйғотиб туради ва барака келтиради, дегани эмас. Уларнинг узок меҳмон бўлиб қолиши учун нафақат инини бузмаслик, ҳатто хонадонимизда бақир-чақир ҳам бўлмаслиги лозим экан. Қалдирғочлар ҳам осойишта хонадонни хушлайди-да. Шундай экан, ёш келин-куёвнинг умрбод бирга бўлиши учун ҳам уларга осойишта муҳит яратилиши, меҳр-муҳаббат кўрсатишимиз талаб қилинади.

«Менга имкон беришмади»

Гулнора,
23 ёш (Ғулистон):

— Онам етти ёшлигимда вафот этган экан. Отам иккинчи бор уйланмоқчи бўлган аёл эса ўз уйимизни сотиб, уларниқига бориб яшасакгина рози бўлишини айтган. Отам ноилоҳликдан бу шартга кўнган. Ўғай онам эрининг вафотидан кейин икки қизи билан ёлғиз қолганини эшитганимда, бошларидан айрилиқ ўтган, мени тушунишадим, чин опа-сингилдек бўлиб кетамиз, деб ўйлагандим. Афсуски, барибир қонимиз қўшилмади, тўғрироғи, мени ўзларига эп қуришмади. Худди эртақлардагидек уларнинг хизматкорига айланмади қолдим. Ўғай онам дадам толган пулга қизларини чиройли қилиб кийинтирар, айтганларини бир зумдаёқ мухайё қиларди. Ўғайда энг осон ва тоза ишларни уларга буюрар, менга эса мол-ҳолга қараш, оғилни тозалаш, ер ағдарш, ёзда богдаги меваларни териш, бозорга сотиб келиш каби оғир юмушлар юклатиларди. Бу ҳақда отамга лом-мим дея олмасдим, ўзлари ҳам ранг-рўйимга қараб ахволимни англаб олмасди. Дардлашай деб отамни интиқиб кутардим-у, лекин бунга ўғай онам ҳеч имкон бермасди. Хуллас, мен

қат келиннинг зиммасидими? Тугилмаган бегуноҳ боланинг тақдиридан ҳам устунмикан ўша юмушлар?

Қайнота лоқайд бўлса...

Карим Мақсудов,
50 ёш (Кўқон):

— Агар чуқур таҳлил қилинса, ёш оилаларнинг ажралиб

НИКОҲДАН СЎНГ

фаҳлиги, ўзининг ғўралик даврини унутгани учун кулгуга қолади. Мевани ғўралигида татиб кўриб, «Эҳ, аччиқ экан», деб улоқтиргандан кўра она ҳароратини, қуёш тафтини бериб, ҳо-вага айланишини кутиш оқилнинг иши-да.

Мақтаняпти деманг-у, қайнонамнинг ўғитлари сабаб, мана, тўрт келиним қизларим қаторида. Янги келинликларимда ҳали ғўр дедим, кейин ёш боласи бор дедим, кўпроқ хизматни ўзим қилдим. Маҳалладошлар келинларимни дангасига чиқариб қўймасин деб тонг қоронғусида кўча эшик олдини супуриб кўярдим-да, кўшниларга келиним барвақт туриб су-пурган, деб мактанардим. Уни-верситетда илм излаб, нон ёпишни ўрганмаган келинимнинг айбини ҳатто ўғлимга ҳам сездирмадим. Эри ишга кетганда нонни ўзим ёпиб, келганда хотининг пиширган, дея яраклатиб олдиға кўйдирдим. Хотини бошқоронғилигида ухлаб қолса, таомларни тайёрлаб қўйдим-да, оҳ-охлаб еган ўғлимга келиним пазанда, дея эшиттириб алқадим. Бирок ҳеч кимга, ҳатто қудаларимга ҳам ўғлимнинг аёлини ёмонламадим. Мен уларни ана шу тарзда тарбиялаб, қаторимга қўшиб олдим. Аллоҳга шукр, мана бугун тўртов тўрт томонимдан ўз қизларимдек хизматга шай туришадим. Менга бўлган меҳрибончиликларини кўриб, диллим яйраб кетади. Кексайганимда қўлларидан ҳо-ва ёб ўтириш қандай яхши-я!

Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам тилингдандир

Салима Шодиева,
55 ёш (Хива):

— Оила мустаҳкамлигида келин бўлишимнинг онасига ҳам кўп нарса боғлиқ. Аввало, ақли она қиз кўрган кунидан уни ўзга оила учун тайёрлаб бориши лозимлигини тушунади, ўша лаҳзадан бошлаб унинг жисмоний ва маънавий тарбияси учун муаллимликни бошлайди. Қиз узатаётганда тайинлаши зарурки, «Кизгинам, сени рисоладагидек қилиб тарбиялаган бўлсам-да, өзгининг қулфи-калитини ўзимда олиб қолаяпман. Энди бошингга нимаки ташвиш тушса, ўша уйда қолса-қолсинки, кўчага ҳам чиқарма, менга ҳам айтма. Бахтинг ҳам, бахтсизлик ҳам тилингдандир. Яна бир талабим, бу уйга энди фақат меҳмон бўлиб кел».

Бу гапларни айтаётганимдан мақсадим шуки, айрим аёллар ўз қизларини ўзлари бахтсиз қилиб қўйганини билмай қоладилар. Қунора тегондан қилиб ёки меҳмонга борганда, «Қайнонам нима деяпти, эринг ёмон эмасми, ундай қил, бундай қил, ҳозирдан аста-аста ўргатиб бор», каби «насихат»лар билан қизини гангитиб, айтиштиб келадилар. Бундай оналарга бугун, айникса, замонавий қўл телефонлари жуда яхши кўмак бўлаёпти-да. Қарабсизки...

Шундай экан, она қаттиққўл бўлса, бу эртага болаларининг бахти. Қолаверса, икки ёшнинг чиройли оила қуриши учун ҳар иккала куда ҳам бирдек масъул.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

УЙДАН ЧИҚҚАН ҚИЗ

чиғирикдан ташқаридами?



қозон-товок, тандир-ўчоқ, пишир-қуйдир каби аёлларнинг асосий юмушлари сиру асрорини билмай ўсдим.

Тақдирни қарангки, илк бор сўраб келган хонадонга узатиб юборишди. Пазандалик сирларини билмаслигим мени хавотирга солар, лекин шу ховлидан кетаётганимдан, энди ўз уйим, оилам, паноҳқорим бўлажигидан жуда хурсанд эдим. Қайнонам ҳам одам-ку, менга ўзи ўргатади, қолгани ўзимга боғлиқ, дея умид қилиб тинчландим. Афсус... Бу уйда мени янада кўп юмушлар кутиб турган экан. Катта ҳовли, сигир-бузоқ, кир-чир, тагин, иссиқхонада помидор етиштириш — бари юмушлар менга юклатилди. Шунда ҳам хурсанд эдим, чунки қайнонам шуларни эпласангиз катта гап, пишир-қуйдирни ўзимиз уддалаймиз, деганида бошим осмонда эди гўё. Бирок бу «имконият» алдаб-сулдаб оғир ишларни зиммамга юклаш учунгина ўйланган режа эканини кейин тушундим. Икки буй етган қайносинглим бўлишига қарамай, тонг отмасдан уйғониб, барча оғир юмушларни бир ўзим бажарардим-у, таом тайёрлашга келганда довдираб қолардим. Аввало қизга оддий, осон овқатлар тайёрлаб турдим. Бора-бора, қайнонам мен ҳатто номини ҳам билмайдиган тансиқ овқатлар буюра бошлади. Шунда «Ойжон, илтимос, бир мартагина кўрсатиб беринг, албатта, ўрганиб кетаман», дея ялинардим. У эса, аксинча, эримнинг қаттиқ қайночилиги ва ҳомилдорлигимга қарамай, пишир-қуйдирни билмайди, дея мени уйдан ҳайдаб юборди. Ахир, овқат пиширишни билмаслик оиланинг ажралиб кетишига сабаб бўла оладими? Қолаверса, рўзгордаги барча юмушларни бажариш фа-

кетили кўп ҳолларда қайнона-келин (эр-хотин эмас!) ўртасидаги можаро, янги келинга кўмак бериш ўрнига тирок остидан кир қидириш, бор товоғини-кел товоғим деган йўқловларни талаб қилиш, ёш бола келинчаққа юмушларни уддалашда олдингидек шарт қўйиш каби ҳолатларга бориб тақалади. Ана шу арзимас иқир-чиқирлар туфайли оиладек муқаддас иморатга дарз кетиши кўп кузатилмоқда. Айникса, айрим қайноналарнинг бекорчилиги, уйда бўлишига қарамай, ёш келинчаққа ёрдам бериш ўрнига томошабин бўлиб ўтириши, бировнинг фарзандини қийнашдан, азоблашдан роҳат олиши ҳам муаммонинг ўзагидир.

Яна бир гап: қайси бир хонадонда мана шундай майда-чуйда гап-сўзлар урчиқпоти, демак, ўша оилада эркакнинг ўрни йўқ, яъни қайнота лоқайд, билганнинг қил, дея тизгинни, ҳукмронлиқни аёлига топшириб, ўзи эрталабдан кечгача чойхонада чойхўрлик қилиб валақлаб ўтирибди. Қайсики хонадонда оила бошлигининг кўз қирию томоқ қириши маълум маънони аңлатмас экан, бу оилани қайнотасиз уй, деб ҳисоблайверинг. Бундай «имконият»дан фойдаланган ақли қалта-ю, ҳукмронлиги устун қайноналар келин шўрликни кўйроқ қилиб ўйнатиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ўрадан ҳолва пишар

Розия Эргашева,
60 ёш (Бекобод):

— Кимки хавас билан ёш келин олибди — ғўра олибди. Сабр қилмай улоқтирса, ҳолвасини татимас, қайтанга қалта-



АЙИК — «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, пахмоқ юнгли, йирик, сут эмизувчи ҳайвон маъносини аңлатган «айик» сўзининг туб илдизи қадимги тилимизда «айи» бўлиб, бу сўз «бесўнақай» деган мазмунни билдирган.

Айрилгани айик ер...
Мақол

КОРТ — катта теннис ўйини учун жиҳозланган, ўйинга мослаштирилган майдонча мазмунини ифодалаган «корт» сўзи инглиз тилидан кириб келган бўлиб, аслида, «ҳовли» деган маънони аңлатади.

СУВЛУК — тилимизда бу сўзнинг «сувлиқ» шакли ҳам бор. «Сувлиқ» сўзини изоҳлаш учун аввал «юган» сўзига изоҳ бериш керак. «Юган» — отни бошқариш учун унинг бошига солинадиган тизгин. «Сувлиқ» эса юганининг от оғзига солинадиган металл қисмидир.

От сувлигини чайнаб, бекини обқочиб келяпти.
«Ўғурўглининг тугилиши» достонидан.

ИНЖА — бу сўз тилимизда «нозик» деган маънони аңлатади. Шунингдек, «инжи», «инжик», «инжитмок» сўзларининг туб маъноси ҳам «инжа» сўзига бориб тақалади.

Ҳар гул алоҳида айласин баён, Инжа муҳаббатим, тошқин севгимни.
Миртемир

ГИМНАСТИКА — оғилликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар мажмуини аңлатадиган бу сўз юнон тилидан кириб келган бўлиб, унинг асл мазмуни «машқ қиламан» деганидир. «Гимназия» сўзи ҳам гимнастика сўзига алоқадор. Чунки қадимги Грецияда таълимни гимнастика билан қўшиб олиб боруви учун тарбия муассасаси «гимназия» деб аталган.

ЭНАГА — тилимизда ўзганинг боласини тарбияловчи аёл маъносини ифодалаган бу сўз «эна» сўзига кичрайтириш, эр-калаш маъносини билдирувчи «-ке» қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган. Шундан келиб чиқиб, «энага» сўзи «кичик она» маъносини аңлатади деб ҳулоса қилиш мумкин.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ИНТИЛУВЧАН ВА ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР МАСКАНИ

Ёш авлод Ватанимиз келажаги, эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Юртбошимизнинг бундай эътирофидан рағбат олган ёшларимиз ўзларига билдирилган ишонччи оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Буни пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган Мунира Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежи мисолида ҳам кўрсатиб бўлади.

Очилиши айтганда, 2009 йили спортнинг дзюдо тури бўйича Ливан шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллаган Бурхон Аловиддинов шу коллеж ўқувчиси эканини эшитганимиздаёқ таълим маскани ҳаёти ҳақида мақола тайёрлашни кўнгалга туғиб қўйгандик. Коллеж раҳбари Ноиба Ишанованинг хонасига киришимиз билан стол устини безаб турган ташаккурномалар диққатимизни тортиди.

— Биз тиббиёт ходимлари ҳар куни, ҳар лаҳза спортнинг инсон ҳаётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлашдан чарчамаймиз. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбиянинг ўрни бекиёс, — дейди Ноиба опа ўқувчиларининг ютуқларидан фахрланиб. — Сиз кўриб турган ташаккурномалар коллежимиз ўқувчиларидан бир нечаси спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этгани учун «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг марказий кенгаши томонидан юборилган. Чемпионларимиздан Бурхон Аловиддинов, Билолидин Тожибоев, Шаҳзода Иброҳимова, Сайёра Тожибоевалар номини алоҳида таъкидлашни истардим.

Коллежда нафақат спорт, балки таълим-тарбия соҳасида берилаётган билимлар ҳам исзис кетаётгани йўқ. Масалан, 2010 йилги битирувчилардан 20 нафар олий ўқув юрти тала-

басига айланди.

— Олдимизга қўйган энг катта мақсадларимиздан бири ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни келажақда иш билан таъминлашдан иборат, — дея ўз сўзида давом этади коллеж директори. — Таълим муассасаси билан шартнома тузган шифоналардан ташқари ота-оналар ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб юздан ортиқ шифоналар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Яхши амалиёт ўтаган ўқувчиларимиздан бир нечаси илм масканини имтиёзли диплом билан тамомлади. Айни пайтда коллежда 163 нафар малакали ўқитувчи, шу жумладан, 2 нафар фан

Мунира Турсунхўжаева но-



илм масканини имтиёзли диплом билан тамомлади. Айни пайтда коллежда 163 нафар малакали ўқитувчи, шу жумладан, 2 нафар фан

2 та компьютер хонаси, лингафон, физика, кимё, биология хоналари ва спорт зали фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, таълим даргоҳида ўқувчиларни муस्ताқил ҳаётга тайёрлаш, танлаган касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ўқувчиларнинг назарий билимларини муस्ताқамлаш мақсадида амалиётни ташкил этиш учун ҳар бир ўқув хонасида зарур ускуналар мавжудлигини кўриб, очиги, бугунги ёшларга ҳаваси-

кўргазмани қурол сифатида фойдаланамиз. Ўқувчиларда чақалоқларнинг вазинини ўлчаш, ҳароратини аниқлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, укол қилиш каби кўникмаларни шакллантириб борамиз. Бундай кўргазмани қуроллар билан амалиёт ўтаган ўқувчиларда ўзига ишонч пайдо бўлади. Ҳатто чақалоқни қўлига олишга чўчийдиган йигитларимиз ҳам тез орада ўз ишининг устасига айланиб кетишади.

Коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Нигора Жамолова бизни бошқа амалиёт хоналарига ҳам бошлайди. Бир хонага кирсак, ўқувчилар «макет одам» устида тажриба ўтказётганига гувоҳ бўлдик. Улар «бемор»га биринчи ёрдамни кўрсатиш ҳақида устозларидан амалий маслаҳатлар олаётган экан. Ортопед стоматология бўлими мураббийи Шаҳноза Зокированы ҳам қизғин амалиёт устида учратдик. У таълим соҳасидаги илоҳотлар етук кадрлар тайёрлаш, ёшларга ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўқис намоён этиш имконини яратиш, баркамол шахсларни вояга етказиш омили бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади:

— Коллежимизда ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, танлаган касбини пухта эгаллашга астойдил киришган ўқувчилар сафи кўплигини кўриб қувонаман, — дейди Шаҳноза Зокирова. — Интилувчан ва изланувчан ёшлар билан ишлаган мураббий ҳам ҳар доим зиммасидаги жиддий масъулиятни ҳис этиб туради, ўз билимларини мунтазам бойитиб боради.

Таълим маскани ҳаёти билан танишиб шунга амин бўлдикки, бугун Мунира Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежи педагогик жамоаси жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳар томонлама етук, билимли ёшларни тарбиялаш йўлида саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг бахту саодатини, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказиш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири. (t)



мидаги тиббиёт коллежида 3 та — ҳамширалик, даволаш, стоматология йўналиши бўйича таълим берилади. Бу йил 972 нафар битирувчидан 100 нафари

номзоди, 25 нафар етакчи ва 32 нафар катта ўқитувчи, 81 нафар мустахассис ўқитувчи таълим-тарбия беришмоқда. Шунингдек, 84 та ўқув, 1 та маънавият,

миз келди. «Устоз-шоғирд» йўналиши бўйича бўлғуси ҳамшираларни амалиётга тайёрлаётган мураббий Саида Баирова бу ҳақда шундай изоҳ берди:

— Мана бу қўғирчоқлардан



ҚИЗИЛ ПАЛЬМА ЕФИ 

Организмининг А, Е витаминларига бир суткалик эҳтиёжини қондириш учун «CAROTINO» дан 1 ош қоңяқ ичинг кифоя.

Сиз ва фарзандларингиз учун табиатнинг бебаҳо тухфаси!

+99890 910-61-11

Гувоҳнома № 003534

Ҳамкорликка таклиф этамиз.

Синглим Моҳирахон!
Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Сенга барча оила аъзоларимиз номидан, соғлик-саломатлик, бахт-омад, оиланга тинчлик, хотиржамлик тилаб қоламан.



Опанг

«Ўзкоммунўқув-ташкilotчи» республика ўқув маркази

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

ўқув курсига таклиф қилади
Ўқиш даври — 1 ой

Манзил: Тошкент шаҳри Ниёзбек йўли кўчаси, 1. («Минор» метро бекати)
Тел.: 234-17-08, 343-94-98

2007 йил Пискент тумани 27-ўрта умумтаълим мактабидан Холбоева Шаҳноза номига берилган О'Р-ШН 0739927 рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плащ-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқуш.
Ҳамшира (тёқор) — 3 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўхтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча, Европа таом ва салатлар — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.
Сартарошлик — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоқхона мавжуд.
Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72 (18⁰⁰), 225-97-93 18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача.
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик миния бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

«YOQUTXON KOMMUNAL SERVIS» нодавлат нотижорат ташкилотига берилган ўй-жой мулкдорлар ширкатини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги реестр тартиб рақами — 002300-10 бўлган гувоҳнома №002300 йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Анъеза мени ташлаб кетаётганини бир оғиз айтса бўларди, аммо у на ҳўшлади, на видолашди — кетди-қолди. Тўғри, мен ҳам ўзимни Бенуксон ҳисобламайман, мендан ҳам бир гап ўтгандир. Лекин у камчилигимни юзимга айтганида, бамаслаҳат бартараф этиш чорасини кўрмасмидик? Бундай бўлмади-да: икки йиллик турмушимизда — бир оғиз ҳам норизолик йўқ эди. Кутилмаганда, “ажойиб кунларнинг бирида” уйда йўқлигимдан фойдаланиб худди хоҳасидан қолган канизак каби сирли равишда ғойиб бўлди. Мана, олти ой ўтди ҳамки, нима учун мендек меҳрибон эрни ташлаб кетганига сира ақлим етмапти.

Уша куни эрталаб даҳамиздаги бозорчадан рўзгорга керакли нарсаларни бекаму кўст харид қилдим. Ўзи, бозор-ўчарни ёқтираман: нарсаларнинг нархини яхши биламан, савдода қандай йўл тутишининг ҳадисини олганман, савдолашиш ва тортишиш, нарсаларнинг мазасини татиб кўриш, ушлаб, силаб кўришни жойига қўяман; шу қадар синчков харидорманки, бифилтсе қандай гўштдан тайёрлангани, олма қайси боғда битганини билмагунча қўймайман. Бозор-ўчарни уйга қўйиб, емакхона деразаси пардасига бир ярим метр шокила олиб келиш учун яна кўчага чиқдим. Харажатим меъеридан ортиб кетишини хоҳламаганим боис бир неча дўконни айланиб чиқдим ва, ниҳоят, уни виа дель Умилтадаги дўкончадан топдим. Уйга ўн бирдан йигирма дақиқа ўтганда қайтдим-у, шокиланган ранги пардага қанчалик мос эканини солиштириб кўриш учун емакхонага кирдим ва ўша жойда сиёҳдон, қалам ва қоғозга кўзим тушди. Тўғрисини айтсам, ҳаммасидан олдин гиламнусха дастурхон устига тўкилиб доғ пайдо қилган сиёҳни кўрдим. “Эҳ, исқирт, дастурхонни расво қилибди-ку!” деб ранжидим.

Сиёҳдон, қалам ва хатни йиғиштириб олдим-да, ошхонага чиқиб дастурхонга теккан доғни лимонли сув билан ювиб тозалладим. Кейин яна емакхонага қайтиб дастурхонни ёйдим ва шундан кейингина хат эсимга тушди. Ахир, унга “Альфредога” деб ёзилган эди-ку.

Хатни очиб ўқидим: “Хонани йиғиштирдим. Тушлигингни ўзинг тайёрла, биламан, бунни қотирасан. Алвидо. Мен онамникига қайтдим. Анъеза”.

Аваллига ҳеч нарса ни тушунмадим. Хатни қайта ўқиб чиққангина икки йиллик турмушимиздан сўнг Анъеза мени бутунлай ташлаб кетганини англадим.

Одатимга кўра хатни жавоннинг тўловномалар ва хатлар сақланадиган тортмасига ташладим-да, дераза қаршисидаги ўриндиққа чўқдим. Нимани ўйлашни ҳам билмасдим: бундай худосиз оёқ беришни сира кутмаганим учун бу кўргуликни идрок эта олмаётган эдим. Ўйлашиб ўтириб бошимни қўйи олган эдим, полда ётган супурги чўкичасига кўзим тушди, Анъеза уйни супураётганда учган бўлса керак. Уни олдим-да, деразани очиб, ташқарига ташладим. Кейин шляпанни кўлга олиб кўчага йўл олдим.

Хар сафаргидек йўлакка ётқизилган мармарларни орада биттадан қолдириб қадам ташлаб борар эканман, Анъезани

ранжитадиган нима қилдим дея ўзимдан ўзим сўрай бошладим. Ўша унинг мендан бунчалик кўнгли қолди ва бунчалар ҳўрлаб ташлаб кетди? Энг аввал ўзимдан сўраганим шу бўлдики, Анъеза мени хиёнатда айблаши мумкинми, майли, у унчалик эътиборли бўлмасин? “Йўқ” деб жавоб қилдим дарров. Мен ҳеч қачон аёлларга ўралашмаганман. Негаки, мен уларни тушунмайман, улар эса мени. Айниқса, уйланганимдан буён улар мен учун йўқ ҳисоби. Аксинча, Анъезанинг ўзи гоҳида тегажюклик қилиб:


— Менга қара, энди бирор-та аёлни севиб қолсанг нима қиласан? — деб сўраб қоларди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки фақат сени севаман, бошқа ҳеч кимни эмас. Бу муҳаббат бир умрлик, — деб жавоб қилар эдим.

Шуларни ўйлаб келар экан-

Альберто МОРАВИО

С Ў Р А М А



ман, “боқий муҳаббатим” Анъезани унчалик севиштирмаганини ҳис қилгандек бўлдим. Чунки ўша чоқда у яшнаб кетиш ўрнига маъюслиниб, жимиб қоларди.

Кейин масаланинг бошқа жиғига эътибор қаратдим: балки Анъеза мени пул масаласида ёки бизнинг ҳаёт тарзимизга қониқмаганидан ташлаб кетгандир?

Дарҳол шундай тўхтамга келдимки, бу борада виждоним пок. Тўғри, унинг кўлига жуда зарур ҳоллардагина пул берам эдим, лекин унда пулга қандай зарурат бўлсин? Ҳар доим ёнида эдим, нима харид қилмоқчи бўлса ҳаммасини тўлардим. Унчалик ёмон ҳам яшамас эдик. Тасаввур қилинг: ҳафтада икки марта — кино (мен у еган музқаймоқлару ичган шакарсиз кофефарини ҳисоблайдиган даражада майдақаш эмасман) бир ойда иккита безакли журнал, ҳар куни газета, ҳатто қилшда ахён-ахён операга, ёзда эса отамнинг Маринодаги дала ҳовлисига борардик. Вақти чоғлиқларимиз шу алфозда эди. Кийим-кечак масаласида Анъезанинг шикоят қилишига сабаб бундан ҳам кам. Унга қачон бирор нима зарур бўлса: сийнабанди, пайпоқми ёки дастрўмолчами — бирор марта қаршилик қилмаганман, аксинча, у билан бажонидил дўконга бориб, танлашиб юборардим ва ола қарамасдан пулини тўлардим. Шляпа ёки кийим тикувчига бориш ҳам худди шундай эди. У неча марта “Менга шляпа ёки қўйлак керак”, деган бўлса, бу му-

рожаатини ҳеч қачон жавобсиз қолдирмаганман, ўша пайтдаёқ “Кетдик, бирга бориб олашиз”, деганман. Лекин шу тарафи ҳам борки, Анъеза унчалик талабчан эмасди: менга текканининг иккинчи йилига келиб, у деярли кийим-кечак ҳақида ўйламай қўйди. Баъзида менинг ўзим сенга бирор нарса керакмасми, деб эслатиб турар эдим. У эса ҳафсаласизлик билан ўтган йили олган нарсалари ҳали охорини йўқотмаганини айтарди. Бундай гап-сўзлардан сўнг Анъеза бошқа аёлларга ўхшаб латта-путтага ружу қўймаган, деган фикрга келдим.

Шундай қилиб, моддий ва маънавий сабаблар йўқ. Энди фақат, адвокатлар тили билан айтганда, характерларнинг тўғри келмаслиги қолди. Аммо икки йиллик турмушимизда бирор марта бахшланмаган бўлсак, ха-

БАДИЙ МУТОЛАА

билан тингларди, ҳар ҳолда, менга шундай туюларди. Фақат бир марта ваннадаги электр иситиш мосламасидан фойдаланиш тартибини тушунтираётганимда ухла қолди. Уни уйғотиб:

— Зерикаяпанми? — деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ. Чарчадим, чоғи, оқшом ёмон ухлаган эдим, — дея шошилиб жавоб қилди у.

Одатда эркаклар хизмат билан банд бўлади ё савдода юрди, ҳеч қандай иш қилмаган тақдирда ҳам кўча-кўйда дўстлари билан сандироқлаб кун ўтказарди. Аммо Анъеза мен учун буларнинг ҳаммасининг ўрнини босар эди: у менинг хизматим, тижоратим, дўстларим — ҳамма-ҳаммаси эди. Мен уни бир лаҳза ҳам ёлғиз қолдирмасдим, ҳар доим ёнида эдим, ҳатто сизга эриш туюлса ҳам айтайин, овқат тайёрлаётганда ҳам қошида куймаланиб турардим. Ўзи, шу ошпазлик нимаси биландир менга ёқади, ҳар куни тушликдан олдин пешбанд тақиб олиб, ошхонада Анъезага қарашардим. Қўлимдан келган ишларни бажарардим: картошка тозалардим, нўхат вивтардим, гўшт қиймалардим, қозонга қараб турардим. Бу ишларни шу қадар яхши бажарардимки, бунни кўрган Анъеза кўпинча:

— Негадир бошим оғриб кетяпти, бориб бироз чўзлай, овқатни ўзинг пишириб кўя қол, — дер эди.

Шу билан овқат пишириш ўзимга қолиб кетарди. Ҳатто ошпазликка оид қўлланма ёрдамида янги таом ҳам ўйлаб топдим. Афсуски, Анъеза овқат ейишни унчалик хўш кўрмасди, кейинги вақтларда эса унинг иштаҳаси бутунлай йўқолди, ҳатто овқатга қўл ҳам теккизмай қўйди. Бир марта у менга ҳазил аралаш:

— Сенинг эркак киши бўлиб туғилганинг хато бўлган, қара, сен аёлсан... Шунчаки аёл ҳам эмас, уй бекасини, — деди.

Тан олишим керак, бу гапларнинг тўғри жиғатлари ҳам бор: ҳақиқатан, овқат пиширишдан бошқа кир ювиш, дазмол қилиш, бичиш-тиқиш, ямоқ солиш ва ҳатто эскирган куйлакларнинг этагини қисқартиришни ҳам яхши кўраман.

Худди айтиб ўтганимдек, Анъезадан сира ҳам ажралмаганман, ҳатто унинг олдига онаси ёки дугоналари келган чоғларда ҳам. Билмадим, қалламга чет тилидан сабоқ олиш хаёли қаёқдан келиб қолди, ҳар ҳолда, унинг ёнида бўлиш учун бўлса керак, унга қўшилиб инглиз тилидек қийин тилни ҳам ўргана бошладим. Мен унга шунчалик боғланиб қолган эдимки, бунинг оқибатида бир неча бор қулгили ҳолатга ҳам тушганман. Масалан, бир марта кафедра ўтирганимизда унинг паст овозда нима деганини англамай қолиб, орқасидан хожатхонага эргашиб борибман, ўша ердаги хизматчи мени тўхтатиб, бу — аёллар хожатхонаси, унга киришинг мумкин эмас, деб дақиқ берди.

Ҳа, мендек эрни топиш осон иш эмас. Баъзида Анъеза:

— Биров билан учрагани бир жойга ўтиб келаман, менимча, сенга бу унчалик қизиқарли бўлмаса керак, — дер эди.

(Давоми бор.)

Дамин ЖУМАКУЛ
таржимаси.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Опа-ука

«долларчи»лар қўлга тушди

Мохира Саидова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Миробод дехқон бозорида супурги, тувак, исирик каби нарсалар сотиш билан шуғулланарди. Укаси Саидали эса унга беминнат ёрдам бериб юрар, бу ҳеч кимни ажаблантирмасди.

Департаментнинг Миробод туманига бир фуқаро бу аёлнинг ноқонуний доллар-фурушиқ билан шуғулланаётгани ҳақида маълум қилди. Ўтказилган тезкор тадбир давомида юқоридаги гумон ўз исботини топди. Маълум бўлишича, Мохира Саидова укаси Саидали билан жиноий тил бириктириб, валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келган экан.

Фуқаро Шоира Саримқова 200 АҚШ долларини қонунга хилоф тарзда сотаётган маҳалида қўлга тушган Мохира Саидованинг бошқа кирдикорлари ҳам аниқланди. Гўёки тувак, исирик, супурги каби маҳсулотлар савдоси билан шуғулланиб келган бу аёлнинг савдо растаси кўздан кечирилганида, валюта савдосига тегишли дафтар топилди. Дафтардаги маълумотларга кўра, у 2010 йилнинг март ойидан декабрь ойига қадар бўлган давр оралигида 1.550.411.000 сўм, 484.645 АҚШ доллари, 1.100 евро, 215.979 Россия рубли, 17.000 қозоқ тенгеси, 300 Англия фунт-стерлинги билан боғлиқ ноқонуний олди-сотди “операция”сини ҳам амалга оширгани ошқор бўлди. Шунингдек, раста тагидан валюта савдосига мўлжалланган 32.120.000 сўм топилган бўлса, укаси Саидалининг ёнидан эса 320 АҚШ доллари, 1000 Россия рубли ҳамда 50 евро мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Суд ҳукмига кўра, қонунга хилоф валюта савдоси билан мунтазам шуғулланиб келган опа-ука Саидовлар Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилди ва уларга тегишли тартибда жазо чораси қўлланди.

Шавкат ТУРДИМОВ, Бош прокуратура

хузуридаги
СВОЖДЛҚК
департаменти
Тошкент шаҳар,
Миробод тумани
катта инспектори.

Имтиёз ва ҳуқуқ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 7 февралда имзолаган қарори асосида тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кичик бизнес корхоналарига экспорт операцияларини амалга оширишда солиқ имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган «Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларда ҳам экспорт қилувчи корхоналарга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатор имтиёз ва преференциялар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроеқносивий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорига асосан, 2011 йилда корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан экспорт миқдори 15 фоиздан 30 фоизгача бўлган тақдирда даромад, маълум-мулк солиқлари ҳамда ягона солиқ тўловлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 30 фо-

изга қисқаради. Агар умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 фоизидан юқори миқдорда экспорт қилинган тақдирда белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга қисқартирилиши кўзда тутилган.

СОЛИҚ ФЛОЛИЯТИ

Ушбу қоидаларга кўра, товарларни экспорт қилиш — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш тушунчаси бўлиб, товарларнинг экспорт қилинганлиги тасдиқловчи ҳужжатларга куйидагилар кирди:

- экспорт шартномасининг (контракт) банк ва божхона идоралари томонидан рўйхатга олинганлиги белгиси билан нусхаси;
- товарларни экспорт қилиш режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона идорасининг белги қўйилган божхона юк декларацияси (ГТД);
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар жўнатилиши белгиланган мамаклатга жўнатилишини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар (юк хати).

Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарган ёки қайта ишлаган маҳсулот (жумладан, ярим тайёр маҳсулот) тушунилади. Куйидагилар ишлаб чиқариш технологик жараёни бўлиб ҳисобланмайди:

- сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланганини таъминлаш (қўриқлаш) бўйича операциялар;
- товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш).

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот тоифасига мансублиги фактини тасдиқлаш учун ариза берувчи корхона давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли идораларга ушбу қоидаларга илова қилинган шакл бўйича ариза-маълумотнома тақдим этади.

Ариза-маълумотнома тузилган контракт доирасида тайёр маҳсулот — ҳақиқатда қўрсатилган хизматлар ҳажмига (миқдорига) берилади. Ушбу ҳужжатда қўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги учун ариза берувчи корхона жавобгардир.

Д. ТОКТОГУЛОВА,
Ҳамза тумани ДСИ
шўба бошлиғи.

Ўчмаган чирок

Отамиз Ортиқали Бердиқулов 1911 йили Паркент туманида деҳқон оиласида туғилган. У кишини кўрган-билганлардан отамиз ёшлиғидаёқ тенгдошлари орасида зийраклиги, зукколиги, донолиги, меҳрибонлиги ва ширин сўзлиги билан ажралиб турганини кўп эшитганмиз. Яна, дугорни ҳам яхши чертган эканлар.

Падари бузрукворимиз халқ ҳўжалиги, таълим, маданият ва маърифат соҳасида фаолият юритиб, халқнинг меҳрига сазовор бўлган инсонлардан бири эди. 1988 йилгача кўп йиллар Заркент ва Сўқоқ маҳалла қўмиталарида маслаҳатчи вазифасида ишлаганлар.

Қилбоғимиз мунис онажонимиз Равиша Бердиқулова билан



ХОТИРА ЁГДУСИ

Бир этак фарзандларни элнинг қорига ярайдиган инсон қилиб вояга етказишди. Онамиз тумандаги 7-мактабда қирқ йил таълим-тарбия берган. Ҳозирда уларнинг 31 невар ва 50 дан ортиқ эвара ва чеваралари боболарига муносиб авлод бўлиб, турли соҳаларда хизмат қилиб келмоқда. Улар бугун Ортиқали ота таваллудига 100 йил тўлганини эслаб, ул зотнинг яхши фазилатларидан сўзлаб, ёшларга ибрат қилиб кўрсатишди. Бу дунёда яшасанг, шундай — эл-юртнинг қувонч-ташвишига елка тутиб, яхшига яхши, ёмонга ҳам яхши бўлиб, барчага эзгулик улашиб яшамоқ хар биримиз учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Хурсанали БЕРДИҚУЛОВ,
биология фанлари доктори,
профессор.

АЖАБ ОЛАМ

МИЛЛИОНЕР БУЮМЛАР

Нью-Йорк шаҳрида ташкил этиладиган «Сотбис» кимошди савдосида 1985 йил 29 июнь куни афсонавий «Битлз» гуруҳи солисти Жон Леннонга тегишли «Роллс-ройс Фантом-5» русумли ажойиб автомобил Жимми Патисон томонидан 2 229 000 долларга сотиб олинган, 1990 йил 31 январидан эса юнон



тегишли виолончель 1 217 711 долларга сотилган эди.
Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

олими Клавдий Птоломей яратган «Космография» харитасининг 1492 йилги нусхаси ролпа-роса 1 144 947 долларга сотиб юборилган.

«Сотбис» кимошди савдосининг 1988 йил 22 июнь куни Лондонда ўтказилган аукционда улуг бастакор Страдиварига тегишли виолончель 1 217 711 долларга сотилган эди.
Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

«Отаси Дилоромнинг ёқтирган йигитига турмушга чиқишига рози бўлмаганди. У йигитнинг ота-онаси, яқинларининг айримлари қандли диабет билан хасталанган экан. «Неварларим касалланд бўлишини истамайман», деб оқ тираб олди. Шундан сўнг келган совчиларга Дилором рўйхушик беравермади. Биз ҳам унинг раёига қарадик. Вақт оқар сув экан. Укаси уйланди, синглиси турмушга чиқди. У эса ишига берилиб кетди. Отаси сўнгги нафасигача шу қизининг келажани ўйлаб, азобланиб яшади. Яқинда бир дугонам қариндошига сўраб келди. У беш боласи билан оиласидан ажрашган экан. Рад жавобини бергандик, дилимни хира қилиб, қизимнинг шаънига тегадиган гаплар айтиб кетди. Ўша куни бир аҳволда юриб, туни билан мижжа қоқмай чиқдим. Онанни яратмасин экан. Умидим сизлардан. Дилоромнинг ёши 42 да. Маълумоти олий. Нуфузли ташилотда хизмат қилади. Жамоасида обрў-эътиборга эга. Хушрўйгина, пазанда. Ёшига мос қайси вилоятдан бўлса ҳам, Тошкентда яшайётган, иши тайин, уйим-жойим дейдиган, инсоний фазилатларни қадрлайдиган инсон учраса, қизимни узатардим.

ХОСИЯТ ҳола,
Тошкент шаҳри».

«Қизим Лайло раъйимизга қараб Қахрамонга турмушга чиқди. Кўёвимиз 3 ёшлиғида отасидан етим қолган экан. Шундан сўнг онаси унга ўғайлик азобини раво кўрмай, қайта турмуш қурмабди. Қайнонам «Қийинчилик кўрган оила экан, неварамнинг қадрига етади. Ўғлини қўллаб-қувватлаб юборсанг, ёш йигит йўлини топиб кетади».



деди. Сўраб-суриштирдик. Кўни-кўшнилари меҳнатқаш йигит, дейишди. Рисоладагидек тўй бўлди. Дастлаб бинойидек яшашди. Қизимизга яхши бўлсин деб, шохнасини таъмирлаб, янги газ плита ўрнатиб бердик. Ҳаммаси шундан бошланди. Ҳомилдорлигига қарамай Лайлони йиғлатиб, хар хил талаблар билан уйимизга жўнатди. Кўёвимизни ишга жойлаштирдик. Қудамиз машинамизни, сигиримизни беришни, ховлисини қуришга кўмаклашишимизни талаб қилди. Бу истакларни бажаришга оилавий шароитимиз тўғри келмади. Бу орада қизимиз ўғилчали бўлди. Нафис ҳақалак отган она-бола норасида гўдакка, зурриёдига ҳам шафқат қилмай, Лайлонинг кўлида боласи билан ҳайдаб солди. Қариндошлари ҳам араллашиб уларни инсофга келтиришолмади. Ахйир, қизим қонуний ажрашди. Ҳозир неварам 7 ёшда. Орадан олти йил ўтди, отаси уни бирор марта йўқламади. Қизим Лайлонинг ёши 27 да. Маълумоти ўрта-маҳсус. Ўғлимиз бўлмагани учун неварамиз ўзимиз билан қолади. Қизимизнинг ёшига мос, оилани муқаддас биладиган, рўзғор тебратадиган, меҳнатқаш инсон учраса, хабар берсангизлар.

ХУРМАТОЙ ҳола,
Бухоро вилояти».

«Ойша билан поездда танишиб, ёқтириб қолдим. Ушанда онамни шаҳарга дўхтирга олиб кетаётганим. У шаҳарга етгунча, онамга меҳрибонлик қилиб, жонига оро кирди. Ҳатто поезддан

тушгач, касалхонага тақсида бирга борди. Минг афсус, онам орадан олти ой ўтиб қаёқ қилди. Ўша куни онамнинг елкасига ташлаган жемперини қайтариш учун Ойшани излаб ишонасизга бордим. У оғир кунларимда менга далда бўлди. Муҳаббатим жавобсиз қолмади, тўй ҳам қилдик. Баайни бир-биримиз учун яралган дўхтири табибим қолмади. Барибир бўлмади, охири қўлимда жони узилди. Болаларим менга меҳрибон, лекин оила ташвишидан ортавермайдим. Аёлнинг ўрни бўлакча экан. Ёшим 64 да. Миллатим тожик. Нафақадаман. Ҳовли-жойим етарли. Ёлғиз тураман. Ёшимга мос, меҳрибон, оқ кўнгли, қадримга етадиган, ёлғиз ёки битта боласи бор аёл учраса, хабар берсаларингиз.

РАҲМАТИЛЛА,
Самарқанд вилояти».

«Муҳаббат билан севишиб турмуш қургандик. Унинг оёғида тўлма нуксонни бор экан. Бунини ўғлимиз тугилгач билганмиз. Кетма-кет яна иккита ўғилли бўлдик. У нихоятда болажон эди. Дўхтирларнинг текширув натижаларига кўра ажрашишимизга тўғри келди. У билан 40 ёшимда қонуний ажрашдик. Икки йилдан сўнг Нодира исмли қизга уйландим. Унга эмас,

кўпроқ отасига ёқиб қолгандим. Кейинчалик эшитишимча, қайнотамга қизининг яхши кўрган йигити қиморбоз бўлгани учун ёқмай, мени танлаган экан. Икки қизимиз туғилди. Яхшигина яшайётгандик. Қайнотам қаёқ қилгач, хотиним ўзгариб қолди. Телефонда ўша жазмани билан гаплашаётгани устидан чиқиб, ҳовли-жойимни ташлаб кетдим. Икки қизим чирқираб йиғлаб қолаверди. Лекин Нодира бахтли бўлмади. Бир куни ишонамга келиб йиғлаганча: «Хато қилдим, отамнинг руҳини чирқиратдим, қизларингизни ўйласангиз, уларни ўзингизга олинг, мен пешонамдагини кўраман», деди. Ўша кунинёқ иккала қизимни олиб келдим. Каттаси 5 ёшда, кичиги 3 ёшда эди. Мана, шунга ҳам ўн йил бўлди. Қайта уйланиш ниятидаман. Ёшим 57 да. Маълумотим олий. Ишим тайин. Уй-жойим етарли. Ёшимга мос, оқ кўнгли, мени тўғри тушунадиган, меҳрибон аёлга уйланоқчиман.

ҲОСИЛБЕК,
Тошкент шаҳри».

«Фахридинга ота-онам ис-таги билан турмушга чиққандим.

Бизга таниган-билганнинг ҳаваси келарди. Кетма-кет икки қизимиз туғилди. Эримнинг ишлари юришиб, ҳовли-жой қурдик. Ўша куни Янги йил байрами арафасида бозор-ўчар қиламан деб, мендан зарур нарсалар рўйхатини ёзиб олса ҳам, бирор нарса ёдимдан кўтарилмадим, деб қайта-қайта сўради. Дарвозадан кузатиб қолдим. Кўргулик экан, пешинда шум хабар келди. У киши автоҳалокатга учрабди. Касалхонага етиб борганимизда жони узилган экан. Икки қизимни бағримга босиб қолавердим. Бегона жойи дейишди. Уй-жойимизни сотиб ота-онамникига қайтиб келдим. Акаларим, келинкойларим пулими туугагунча яхши муомалада бўлишди. Отам қаёқ қилгач, катта қизимни узатиб, кичик қизим билан ижарада яшай бошладим. Бу қизимни ҳам эгасига топширсан, ёлғиз қоламан деган ҳадик билан яшардим. Дугонамнинг маслаҳати билан «Оила ва жамият» газетаси тахририятига келдим. Менга хотини вафот этган, уч ўғилли Файзулла аканинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Фарзандларимизга, яқинларимизга маъқул бўлди. Турмуш қурдик. Қизларим уч укали бўлди. Файзулла ака диёнатли, оқ кўнгли, меҳнатқаш, болажон инсон экан. Яна бахтимни топдим. Сизлардан бир умр миннатдоримиз.

БУВМАҲРАМ,
Сирдарё вилояти».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг!» рукнига хат йўллаётган ёки бевоқифа мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

КЎЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАЖОН!

ёхуд меҳрнинг ҳам бегонаси бўладими?

«...Америкада электр стули ўлимига маҳкум этилган айбдор йигитга охири сўзни айтиш учун изн берилди. Йигит атрофида парвона бўлаётган мухбирларга, сураткашларга бир-бир қараб кўйгач, маъносилмайиб, шундай дейди:

— Агар болалигимда менга шундай эътибор берилганда эди, бугун бу электр стулда ўтирмаган бўлардим...»

«Оила ва жамият» газетасидан

Бу хабарни ўқиб, кимнинг юраги туз сепгандек ачишмайди, дейсиз. Меҳр-сизлик, болаларни эътиборсиз, қаровсиз қолдириш ёхуд уларга ўргатиш, тарбия бериш ўрнига калтаклаш, камситиш... нималарга олиб келмайди-я? Албатта, бундай ҳолат асосан оилада ўғай ота ё ўғай она пайдо бўлишидан бошланади.

Тўғри, атрофимизда ақлли, меҳрибон, болаларнинг тақдирига масъулият билан қарайдиган инсофли «ўғай»лар кўп. Улар етимларнинг бошини силаб, яхши гап билан ўзлариники қилиб оладилар. Тарбияси билан жиддий шугулланадилар. Натижада, қаринган чоғларида шу болалардан меҳроқибат кўрадилар. Эл-улус олдида ҳам юзлари ёруғ бўлади.

Эҳ-х, қанийди, ҳамма шундай бўлса! Минг афсуски, меҳрибонидан бевақт айрилиб, муштдеккина юраккинаси куйиб қолган норасидаларга «она» бўлиб келган аёл ҳадемай болаларга зулм қила бошлайди. Камситилади. Бўлар-бўлмас гап топиб, болалар устидан отасига шикоят қилади. Шовқин-сурон кўтаради. Ким ёмон? Етимлар ёмон!

Шундоқ ҳам икки ўт орасида ёнган ота болалардан аламини олади. Сўкади, уради. Дастурхон атрофида эндигина йиғилиб, кечки таомдан ҳали бир қошиқ тотиб улгурмаган гўдаклар бундайн озорлардан безор бўлиб, қоронғу кўчадан паноҳ топади. Бора-бора кўча боласига айланади...

Фарзандим бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдик. Кун бўйи болаларнинг инжиқлиги тўхтамайди. Кечга бориб янада авжига чиқади.

Одатда, болаим бирор дардга чалинса, моддий оғирлик оталар гарданига-ю, маънавий оғирлик оналар зиммасига тушади. Касалхонада айрим ёш оналарни кўриб, таажубланасан киши. Дард билан олишиб, ором олишга қийналаётган гўдакларини сўкиш, бақир-чақир қилиш билан ухлатишга уринишади.

— Ухла, жонимга тегиб кетди-ку хархашаларинг!


— Мени адои тамом қиласан, сен бола. Қачон қарамай, касалсан-а!

— Отанга ўхшамай кет...

Шифохона йўлагиде қизақоғимни кўтариб юрарканман, хоналардан эшитилаётган бундай овозлар дилимни хира қилади. Бир маҳал...

Майингина, сокин овозда алла саси кела бошлади. Секин бориб ўша кўнгил нури таралаётган хонага мўраладим. Бир аёл боласи-

Иккинчи жаҳон уруши йиллари қийинчилик, тақчиллик пайтлари бўлсада, турли миллат фарзандларини бағримизга олган қалбидарё ўзбекларимиз. Эндигина учинчи ўрганаётган полоннинг қаноти лат еб, ерда ётса, раҳимимиз келади-ку! Нега энди ўз юртдошларимизнинг, балки маҳалламиз аҳлининг етимларига меҳр топиб беролмаймиз? Уларнинг яраланган юрагига малҳам бўлолмаймиз. Ҳозир тўқчилик, фаровонлик. Энг муҳими, давлатимиз раҳбаридан тортиб, барча хал-



қимиз ёш авлод тарбиясига аҳамият бераётган бир замонда бир неча нокас, бир неча онгсиз аёл ё эркак болаларни ўз уйдан бездирса? Уларни ёмон йўлга кириб кетишига, руҳияти мўрт, эътиқоди заиф ёхуд касалманд ҳолатга келишига сабаби бўлишса?

Барноҳон ва Шаҳнозаҳон исмли кўшиларимиз бор. Улар оналари вафот этган оилаларга иккинчи она бўлиб келишган. Қарангки, уларни «ўғай она» дейишга ҳеч кимнинг тили бормайди. Чунки иккиси ҳам бир этак болалар

ни кучоғига олганча, дунё ташвишларини унутиб, алла айтиб ўтирарди. Чамаси икки ёшлардаги болакай эса пишиллаб ухларди. Ўша лаҳзада бошқа хоналардан келган нолишу надоматлар унут бўлди. Кўнглим

Алла — қалб ноласи



билан тезда тил топишиб, елиб-юғриб, атрофида парвона бўлиб, ҳаммасига кийим-кечак тикиб беришди. Илм-хунар ўрганишларида дадаси билан баб-баравар жон куйдиришди. Тик этган овозлари ташқарига чиқмади. Болаларни вояга етказиб, узатиб, уйлантириб, набиралар ҳам кўришди. Мен уларнинг доим набираларини опичлаб, етаклаб юрганини, узатган қизларига нималарнидир илиниб, хабар олгани бораётганини кўраман. Чоғралари очик, кўзларида меҳрли табассум! Уларни алқаб, маҳалламиз кексаларининг кўли дуода!

Ҳа, «Аёл — мўъжиза!» деган номимиз бор. «Аёл — илҳийи гўзаллик тимсоли», деймиз. «Жаннат оналарнинг оёғи остида» деган ҳадиснинг мағзини чақайлик. Бундай буюк эътирофга биз аёллар ҳаммамиз лойиқимизми? Минг афсуски, йўқ! Инсонлиқни унутмаган, болага меҳр беролган, Ватанга муносиб авлод етиштирилган Онанинг оёғи остидадир жаннат!

«Аёл киши боланинг бошини силаб, унинг ҳақига дуо қилиши фарз», дейилади Имом ал-Бухорийнинг «Одоблар ҳазинаси» китобида. Ва давом этиб: «Таълим беринглари ва жаҳл келганда сукут сақланглари», дейилади.

«Ҳаё — аёлни ёмонликлардан тўсиб турувчи парда», дейилади яна ҳадисларда. Ҳаёси йўқ аёлдан яхшилик кутма!

Демак, аёл бошқа бир хонадонга она бўлиб боришдан олдин ўзини, виждонини тафтиш қилсин! Ҳаё борми унда? Бировнинг боласини ўзиники қилиб, она қизим, жон ўғлим, деб пешонасини силай оладими? Ёнига ўтказиб, дарс тайёрлашти, йўл-йўрқ кўрсатиш, ўз уйини, юртини севиниши ўргатиш қўлидан келадими? Уларга доим меҳр кўзи билан қараш ва ярим кўнглиларига малҳам бўлишни эплай оладими?

Ана шу каби саволларга кўнгли тўлиб, «Ҳаё» деб жавоб беролса, онасиз қолган гўдакларга чиндан юраги ачишса, шундагина болалар ҳузурига ошиқсин. «Кўзингдан айланай, болажоним-а!» деб уларни иссиқ бағрига боссин!

Санъат МАҲМУДОВА

МУШОҶАДА

ёришиб, кўзларимга ёш келди...

Биз болаларимизнинг кўрс, жиъзаки, инжиқ эканидан нолиймиз. Аммо унга қачон ширин сўзимиз, эзгу тилакларимиз кўшиб куйланган алла айтиб берганимизни эслай оламизми?

Мен бувимнинг аллаю эртақларини эшитиб улғайганман. Ҳозир болаларимга ёдимда қолган ўша алла, эртақларни айтиб бераман. Бир зумда дилбандимнинг она меҳрини чин дилдан ҳис этаётганини сезаман. Болам эртақлар эшитганидан сўнг ўзида ижобий қаҳрамонлардаги ибратли фазилатларни намоян этишига уринади, бундан қувонаман.

Демак, алла фақат ором қўшиғи эмас. У қалб ноласи, орзулар тараннуми экан-ку! Фарзандим эртага улғайгач, одамларга меҳр-муҳаббатли бўлсин, орзуларини рўёбга чиқарсин десангиз, унга гўзал аллалар айтинг!

Ирода ОРТҚИМАШРАБ қизи,
Наманган вилояти.



Балли, йигитлар!

Мексикада бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини анча пайтача ширин хотиралар билан эслаб юрамиз.



Бу мусобақада Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жуда яхши қатнашди ва кучли саккизликка кирди. Футболчиларимиз Уругвай термасидан мағлубиятга учраган бўлсада, ҳеч бир юртдошимиз бундан хафа бўлгани йўқ. Алексей Евстафеев шогирдлари чиройли ўйинлари билан нафақат юртдошларимизнинг, балки мексикаликларнинг ҳам қалбини забт этди.

Ҳа, «Мексика — 2011» биз учун тугади. Кучли саккизликка кирдик. Ўсмирларимизнинг голиблик кайфиятига, уларнинг шиддатига қойил қолдик. Ширин ва ҳаяжонли дамларни бизга ҳаё этгани учун ЎЗБЕКИСТОН ўсмирлар терма жамоасига ташаккур билдираимиз!

Самарқандда мамлакат чемпиони

Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари марказида кураш бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб ўтди.

Чемпионатда 500 дан зиёд курашчи иштирок этди. Эркаклар етти, аёллар эса саккиз вазн тоифасида баҳс олиб борди.

Эркаклар ўртасида Асрор Осимов, Арслон Маҳмудов, Давлат Абраев, Шухрат Арслонов, Элмурод Соатов, Улғубек Қўлдошев ва Икром Нуруллаев, аёллар орасида Нодира Гулова, Сайёра Муҳаммедова, Юлдаш Мустафоева, Мадина Салоҳиддинова, Гүлмира Исмаилова, Дилфуза Темирова, Машхура Мавлонова ва Зарина Бўронова ўз вазн тоифаларида голиб чиқишди.

Кличко яна чемпиони

Ўтган яшанба кuni Германиянинг Гамбург шаҳрида боксинг IBF, WBO ва WBA йўналишлари чемпионлиги бўйича ўта оғир вазндаги боксчилар Владимир Кличко ва Дэвид Хэй ўртасида жанг бўлиб ўтди.



12 раунд давом этган жангда катта усунлик билан украиналик Владимир Кличко галаба қозонди. Шундай қилиб ака-ука Кличколар боксинг барча йўналишидаги чемпионлик камарини бирлаштирди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бosh муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Муҳбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 728. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 8208. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусаххиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5